

## «ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AKSIYADORLIK JAMIYATI AKSIYADORLARI DIKQATIGA!

### Хурматли акциядорлар!

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгашининг 2024 йил 28 февралдаги қарорига асосан Жамият Устав фондининг миқдорини кўпайтириш мақсадида номинал қиймати 1000 сўм бўлган 1 000 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларнинг чиқарилуви Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 6 майда P0952-3 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан Жамият акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан жамиятнинг оддий акциялари эгаларига қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилади. Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган пайдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2024 йил 28 февраль ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Қўшимча чиқарилган акциялар 1000 сўмдан жойлаштирилади.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларга ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 сўмдан жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни Эмитентга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Эмитентга тақдим этилиши керак.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар жисмоний шахслар томонидан нақд пул ва/ёки нақдсиз (пластик карталар орқали) шаклда амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар нақд пул ва/ёки пул ўтказиш йўли билан нақдсиз шаклда амалга оширилади.

Акциялар учун миллий валютадаги пул маблағлари Эмитентнинг 2020 8000 8051 5665 0001 ҳисоб рақамига қабул қилинади. Банк номи – «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки» акциядорлик жамияти Яккасарой филиали («Ўзмиллийбанк» АЖ), Банк коди – 00450, Банк СТИРи – 202 426 625, Банк манзили – 100025, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Бобур кўчаси, 85 уй.

«ARIA SUG‘URTA TASHKILOTI» AJ акциядорлари имтиёзли олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби куйидаги формулага асосан аниқланади:

$$A / 20\,000\,000 = B;$$

$$1\,000\,000 * B = C;$$

Бунда:

**20 000 000 – Жамият устав капиталидаги оддий акциялар сони;**

**1 000 000 – қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони;**

**A – акциядорнинг Жамият устав капиталидаги оддий акциялари сони;**

**B – Акциядорга тегишли акцияларнинг Жамият устав капиталидаги жами оддий акциялар сонига нисбати;**

**C – имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан имтиёзли сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сони.**

Қолдиқ ҳосил бўлган холларда, қолдиқ сон 5 (беш) га тенг ва ундан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун жамиятга мурожаат қилишлари мумкин.

**Маълумот учун телефонлар: (+998 71) 202-88-88**